



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ МОЛИЯ
ИНСТИТУТИ

*“ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ”*

*МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИНИНГ*

**МАТЕРИАЛЛАР
ТЎПЛАМИ**

2021 йил





“O‘ZBEKISTONDA MILLIY STATISTIKA TIZIMINI
TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO‘NALISHLARI”

Конференция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сонли фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 6 мартдаги 122-сонли буйруғига мувофиқ 2021 йил 27 ноябрда Тошкент молия институтига «Ўзбекистонда миллий статистика тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Илмий-амалий конференциянинг мақсади миллий статистика тизимидаги амалга оширилаётган туб ислохотларни, шунингдек статистика маълумотлари сифатини янада яхшилаш, уларни таҳлил қилиш усуллари ва шакллари замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мослаштириш, ижтимоий-иқтисодий ва демографик соҳаларда статистик кўрсаткичларни шакллантиришда илғор халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуманда ўз мақолалари ва тезислари билан хорижий ва маҳаллий илмий ходимлар, олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, амалиётчи мутахассислар, илмий тадқиқот институти ходимлари, докторант ва мустақил тадқиқотчилар, магистратура ва бакалаврият талабалари ўз мақолалари ва тезислари билан катнашиб, уларда миллий статистика тизимидаги долзарб масалалар кенг ёритилган.

Масъул муҳаррир:

Таҳрир ҳайъати:

Б. Утанов, и.ф.ф.д., доцент
И. Ҳабибуллаев, т.ф.д., профессор
З. Тошматов, и.ф.д., профессор
Х. Хўжакулов, и.ф.н., доцент
Б. Маматкулов, и.ф.н., доцент
Д. Сапаев, и.ф.ф.д., катта ўқитувчи
А. Жумаев, и.ф.ф.д., в.в.доцент
И. Жалолов, и.ф.ф.д., катта ўқитувчи
Р. Урунов, катта ўқитувчи
Ғ. Исмоилов, катта ўқитувчи
А.Жамалдинова, катта ўқитувчи

Тақризчилар:

А.Набиходжаев, и.ф.н., доцент
Қ.Жумаев, и.ф.н., доцент

Мазкур тўпламга киритилган маъруза тезисларнинг мазмунини, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилиги ҳамда танқидий фикр мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Тошкент молия институтига, 2021 йил



Список литературы

1. А.В.Холопов. Валютный курс как инструмент макроэкономического регулирования.// Научный журнал «Мировая экономика и международные отношения». №12 2004 с. 25-33
2. <https://www.vc.ru>

Н.Х.Шарипова– ТМИ ўқитувчиси

ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА ТАЪСИРИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

Тўлов тизимлари кўрсаткичлари ёрдамида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ)ни прогноз қилиш учун белгиланган кенг қўламли маълумотлар асосида корреляцион таҳлилни амалга ошириш мумкин. Тадқиқот давомида расмий манбалардан йиғилган маълумотларга (2010-2020йй.) асосланиб, миллий иқтисодиётга Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган тўловлар суммаси, тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси хажмининг ўзгариши, шунингдек, ўрнатилган банкомат ва инфокиоскларнинг сони ҳамда тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони кўрсаткичларининг таъсирини эконометрик усуллар асосида таҳлили gretl дастури ёрдамида амалга оширилди. Миллий иқтисодиётга таъсир қилувчи кўрсаткичларига r-Пирсон корреляцион боғлиқлиги таъсирини ўрганилди ва уч модел асосида тенгламалар тузилиб, уларни автокорреляция ҳамда мултиколлениарликка текширилди.





1-жадвал

**Энг кичик квадратлар усулида ҳисобланган регрессия тенгламалари
натижалари - Боғлиқ ўзгарувчи - ЯИМ¹²⁴**

Мустақил ўзгарувчилар	1-модел	2-модел	3-модел
Банклараро тўлов тизими орқали ўтказилган тўловлар суммаси (X_1)	0,0049		
Ўрнатилган банкомат ва инфокиосklarнинг сони (X_2)	17,1896	17,1793	
Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони (X_3)	*0,0176	**0,0170	***0,024922
Тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси (X_4)	**2,5572	***2,5698	***3,436954
Детерминация коэффиценти (R^2)	0,992536	0,992508	0,989629
Ф-статистика қиймати р-қиймати	1,65e-06	8,45e-08	1,16e-08
Бройш-Годфри тести р-қиймати	0,16	0,0857	0,581

Изоҳ: Регрессия коэффицентларининг р-қийматлари куйидагича берилган: *** - $p < 0.01$, ** - $p < 0.05$, * - $p < 0.10$

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, ЯИМга таъсир қилувчи асосий омиллар тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони ҳамда тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар сони бўлиб ҳисобланади. Ҳар уч моделда ҳам ушбу икки омилнинг таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятли. Бундан ташқари, динамик қаторларда эконометрик моделлаштиришда юзага келадиган муаммолардан бири бу автокорреляция. Бу тенгламаларда автокорреляцияни Бройш-Годфри тести билан текширилган. Ушбу тест натижаларига кўра, уч моделда ҳам автокорреляция муаммоси мавжуд эмас, чунки Бройш-Годфри тести р-қиймати 0.05 дан катта.

Юқорида келтирилган 3 та моделдан статистик жиҳатдан ишончли моделни танлаш учун Акаике мезони ва Шварц мезонлари кўрсаткичлари ҳамда биринчи ва иккинчи тартибли автокорреляция мавжудлигини текширувдан ўтказилганда фақат учинчи моделда автокорреляция мавжуд эмаслиги аниқланди.

Учинчи моделда регрессиядаги омилларнинг барчаси 5 фоизлик аҳамият даражасидаги статистик аҳамиятли бўлгани сабабли ҳамда биринчи ва иккинчи

¹²⁴ Таҳлиллар cbu.uz ҳамда stat.uz расмий сайтларидан олиниб, 2010-2020 йиллар маълумотлари асосида амалга оширилди.





“O‘ZBEKISTONDA MILLIY STATISTIKA TIZIMINI
TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO‘NALISHLARI”


тартибли автокорреляция мавжуд бўлмагани сабабли ушбу моделни танлаб, уни мултиколлениарликка текширилганда модел мултиколлениарликка эга эмаслиги аниқланди.

ЯИМ ва унга таъсир этувчи омиллар регрессион статистик таҳлили асосида 3-модел асосида регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$y = 80803,61 + 0,024922 * x_1 + 3,436954 * x_2 + \varepsilon$$

Ушбу регрессиядаги омилларнинг барчаси 5 фоизлик аҳамият даражасидаги статистик аҳамиятли бўлиб, тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сонининг бир донага ошиши ЯИМни 24,92 млн. сўмга ошишига олиб келса, тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммасини 1 млрд. сўмга оширилиши ЯИМни 3,43 млрд. сўмга ошишига олиб келади деган хулосани олиш мумкин.

Ушбу модел бўйича прогноз ишончилиги Y ва $Y_{\text{хис}}$ кўрсаткичларидан фойдаланиб ҳисоблаган ҳолда қуйидаги графикда яққолроқ намоён бўлган. Бу прогноз 3-модел асосида ЯИМ (Y) тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони (X_1) ҳамда тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси (X_2) таъсири асосида 2021, 2022 ва 2023 йилларда қуйидагича ўсиш даражасига эга бўлади деб хулоса қилинишига асос бўлади (1-расм).



1-расм. Тўлов тизимларидан масофадан фойдаланувчилар сони ҳамда тўлов терминаллари орқали ўтказилган транзакциялар суммаси таъсири асосида ЯИМ ўсишининг прогноз динамикаси¹²⁵

¹²⁵cbu.uz ҳамда stat.uz сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.





“O‘ZBEKISTONDA MILLIY STATISTIKA TIZIMINI
TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO‘NALISHLARI”

График тенгламаси $y=67281e^{0,2007x}$ кўринишида бўлиб, R^2 кўрсаткичи 1 га жуда яқинлиги, яъни 0,9961 коэффицентга тенг эканлиги ушбу прогнозни қабул қилинишига асос бўла олади.

Амалдаги ҳолат тадқиқ қилиниши натижасида қуйидаги хулосалар олинди: Ўзбекистон миллий иқтисодиётида тўлов терминаллари орқали қабул қилинадиган транзакциялар суммасининг оширилиши ЯИМнинг сезиларли даражада ўсишига хизмат қилади. Бундан ташқари, тўлов тизимларида масофадан туриб банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг ўсиши мамлакат миллий иқтисодиётининг ўсишига ижобий таъсир ўтказишини математик-статистик жиҳатдан асослаган ҳолда, тўлов терминаллари орқали транзакциялар суммасининг оширилиши ва масофадан банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг оширилишини рағбатлантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎзР Марказий банкнинг 2016-2020 йиллар Статистик Бюллетени.
2. ЎзР Давлат Статистика Қўмитасининг Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳисоботлари, [www. stat.uz](http://www.stat.uz) сайти.
3. Barnett, W., M. Chauvet, D. Leiva-Leon, and L. Su. 2016. “Nowcasting Nominal GDP with the Credit-Card Augmented Divisia Monetary Aggregates.” Working Papers Series in Theoretical and Applied Economics No. 201605, University of Kansas, Department of Economics.
4. Esteves, P. S. 2009. “Are ATM/POS Data Relevant When Nowcasting Private Consumption?” Technical Report.
5. <https://cbu.uz/oz/payment-systems/interbank/> сайти.
6. Fisher, I. 1912. The Purchasing Power of Money. New York: Macmillan Company.





6-ШЎЪБА. Замонавий иқтисодий жараёнларни эконометрик усуллар асосида таҳлил қилиш ва прогнозлаш масалалари

74.Ташматов З.Х., Вопросы применение эконометрических моделей в макроэкономическом анализе.....	347
75.Бабахолов Ш.Б., Қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши таъсирларини юмшатиш, адаптация чоралари ва уларга таъсир этувчи омилларнинг эмпирик таҳлили: самарқанд вилояти мисолида.....	350
76.Асрақулов А.С., Меҳнат бозорида норасмий бандлик ҳолатини кўп омилли моделлар асосида таҳлил қилиш.....	362
77.Саидова М.Х., Бизнес ривожланиш жараёнларини статистик баҳолашни такомиллаштириш.....	372
78.Hayitova N.I., Abduqodirov A.A., Depozitlar hajmining omillarga bog‘liqligini iqtisodiy va statistik modellashtirish.....	375
79.Саидова М.Х., “Ўзбекистонда хўжалик юритишнинг янги бизнес моделлари-иқтисодий ўсишни таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш асоси.....	377
80.Abdiqulova D., Agrosanoat kompleksini rivojlantirishda rejalashtirish va prognozlashdan foydalanish.....	380
81.Ҳабибуллаев И., Саидова М.Х., Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида янги бизнес моделларининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилиш.....	383
82.Саидова М.Х., Ажамилова Н.А., Абдусаматов Б.Р., Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида кичик тадбиркорлик фаолиятини барқарор ривожланишини таъминлаш йўналишлари.....	386
83.Абдикулова Д., Особенности регионального планирования развития апк в Республике Узбекистан.....	391
84.Тошматов З., Кувондиқов Б., Выбор метода прогнозирования курсов валют.....	394
85.Шарипова Н.Ҳ., Тўлов тизимлари кўрсаткичларининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирининг эконометрик таҳлили.....	397
86.Mamatkulov B.X., Ma‘murova X.G’. O‘zbekiston Respublikasi aholisining hayotiylik sifati va darajasini ekonometrik modellashtirish.....	401
87.Sholdarov D., Xalilova Sh., Islom moliyasining rivojlanish tarixi.....	404
88.Hamroyeva M., Jumayev A., Statistical analyzes of foreign investments and its impact on construction projects in Uzbekistan.....	407
89.Қодиров Ф.А., Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар ва унинг кўп омилли эконометрик моделини шакллантириш.....	410
90.Саидова М.Х., Шакирова Н.А., Бизнес ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг аҳамиятини тадқиқ қилиш.....	417

